

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 февраль кuni Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбатда давлат раҳбарлари кўп қиррали Ўзбекистон – Россия ҳамкорлиги жадал ривожланиётгани ҳамда стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил мустаҳкамланаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

2019 йилда ўзаро ҳамкорликда салмоқли амалий натижаларга эришилгани ва барча даражадаги мулоқотлар сезиларли фаоллашгани алоҳида қайд этилди.

Хусусан, икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми юқори суръатлар билан барқарор ошмоқда. Бир йилнинг ўзида 500 қўшма корхона ташкил этилди, Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида устувор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Таълим ва маданий-гуманитар соҳалардаги алмашинувлар кенгаймоқда.

Мулоқот чоғида олий даражадаги тadbирлар режаси муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Федерациясига давлат ташрифи кун тартибини тайёрлаш, жумладан, ташриф доирасида навбатдаги ҳудудлар ва ректорлар анжуманларини, медиа-форум ва бошқа тadbирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислиги йилида Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги истиқболлари кўриб чиқилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

Сирдарё вилояти

Яқинда Республика Ишчи гуруҳи аъзолари ўрганиш давомида Сирдарё туманида бирорта ҳам туғруқхона ишламаётганлигининг, собиқ Бахт шахридаги туғруқхона ёпилиб кетганлигининг гувоҳи бўлганди.

Бахт шахрида туғруқхона ишга тушди

Ушбу муаммони ечиш учун амалий чоралар кўрилди ва Бахт шахридаги фаолияти тўхтаб қолган туғруқхонани қайта таъмирлаш ва реконструкциялаш ишлари тезкорлик билан бошлаб юборилди.

Белгиланган тadbирлар доирасида қисқа муддатда Бахт шахрида қайта реконструкция қилинган 125 ўринли

туғруқхона фойдаланишга топширилди. Таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига 6 миллиард 400 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу хайрли тadbирни Фазилидин Мелиев раҳбарлик қилаётган "Сервис технология" МЧЖ қурувчилари гоят қисқа муддатда амалга оширдилар.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

МАҲАЛЛА – ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МАРКАЗИГА АЙЛанаДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 12 февраль кuni маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маҳалла тизими жамиятимизнинг энг муҳим ва таянч бўғини ҳисобланади. Кейинги уч йилда уни ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, маҳалла институтига оид 38 та қонун ва меъёрий ҳужжат қабул қилинди, 50 дан ортиги такомиллаштирилди. Жамият ҳаётида жонбозлик кўрсатган соҳа ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирланди. Фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котибларнинг ойлик иш ҳақи ўтган йилнинг ўзида 1,5 баробар оширилди.

Сўнгги уч йилда 624 та маҳалла идораси янгидан қурилди, 2 минг 265 таси реконструкция қилинди ва таъмирланди. 102 та туман ва шаҳар марказида "Маҳалла маркази" мажмуалари барпо этилди. Ҳар бир фуқаролар йиғинида "Кексалар маслаҳати" гуруҳлари, 4 мингдан зиёд маҳалла биноларида кутубхоналар ташкил қилинди.

Маҳалла фаолларининг масъул ташкилотлар ва профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигида охириги уч йилда 87 мингга яқин кам таъминланган оила эҳтиёжмандлик даражасидан чиқарилди.

Президентимиз маҳалла тизимидан халқ ҳам, давлат ҳам тўла рози эмаслигини, бу соҳада камчилик ва долзарб масалалар кўплигини таъкидлади.

Хусусан, маҳаллаларда 18 мингдан ортиқ ходим фаолият кўрсатиб келаётган бўлса-да, уларнинг иши самарали ташкил этилмаган. Оилаларда ижтимоий-маънавий йўлга қўйилмаган. Оқибатда айрим маҳаллаларда нотинч оилалар, ҳуқуқбузарликлар кўпайган. Шунингдек, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар орасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари учраётгани жуда ачинарли.

Йиғилишда оилавий ажримлар, ёшлар салооматлиги, эрта туғруқлар, маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ муаммолар қайд этилди.

– Оила – муқаддас деган азалий ва эзгу гоя қадрсизланиб, минг йиллик миллий қадриятларимиз завоёл топар экан, бу каби оғриқли ҳолатларни камайтириб бўлмайди. Бунинг учун маҳалла катта ижтимоий куч сифатида майдонга чиқиши керак. Чунки фаоллар, кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нурунийларимиз, агар истаса, жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодир, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда маҳаллаларнинг ўзида ҳам қатор муаммолар борлиги қайд этилиб, уларни қўлаб-қувватлаш, маҳалла идораларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам эътибор

қаратилди.

Масалан, бугунги кунда 1 минг 234 та фуқаролар йиғини турли ташкилотлар ёки тadbиркорларга тегишли биноларда жойлашган. Яна мингдан зиёди ижтимоий муассасаларда, 78 таси қўшни маҳалла йиғинлари биноларида фаолият кўрсатмоқда, 48 та маҳалла биноси авария ҳолатида. Маҳалла бинолари учун коммунал тўловларни тўлаш буйича мақбул ва ягона тартиб ишлаб чиқилмаган.

Маҳалла тизимида кадрлар кўнимсизлиги одатий ҳолга айланган. Маҳалла ходимларини уларга боғлиқ бўлмаган ишлар, йиғилиш ва бошқа тadbирларга жалб қилиш тақиқланган бўлса-да, бу борада сезиларли ўзгариш бўлмапти.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари зиммасига 200 дан ортиқ вазифа юкланган. Лекин бор-йўғи 2 та штат бирлиги билан шунча вазифани бажариш мумкинми, деб ўйлаб кўрилмаган. Ҳеч бир ҳоким ёки кенгаш маҳаллалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш масаласини муҳокама қилмаган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга яқинда йўллаган Мурожаатномасида маҳалла тизимини ўзгартириш, "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилини жорий қилиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Видеоселектор йиғилишида ана шу тамойилни амалга ошириш, маҳалла тизимини ислоҳ этиш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллаларда тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларга самарали ечим топиш, тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш йўлида барча сазой-ҳаракатларни бирлаштириш шартлигини таъкидлади. Ушбу улкан соҳага масъул ва вояга етмаганлар орасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари учраётгани ташкил этиш тақлифи билдирилди.

Қайд этилганидек, янги вазирлик маҳалладан тортиб республика даражасигача 40 мингдан ортиқ ходимни бирлаштиради ва уларнинг "Бир ёқадан бош чиқариб", ягона мақсад йўлида фаолият кўрсатишини таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, жойларда муаммоларни ҳал қилишнинг яхлит ва таъсирчан вертикал тизими яратилди.

Вазирнинг биринчи ўринбосари оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалаларга масъул этиб белгиланади. Вазирнинг яна бир ўринбосари кексаларни ижтимоий рағбатлантириш, ёшларда ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш масалалари билан шуғулланади. Оилавий тadbиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, томорқа ва ободонлаштириш, экология, бандликка кўмаклашиш масалаларига масъул ўринбосар лавозими жорий этилади.

Вазир "Маҳалла" жамғармасига, вазир-

нинг биринчи ўринбосари "Хотин-қизларни ва оилани қўлаб-қувватлаш" жамоат фондига, Кексалар ва фахрийлар буйича ўринбосар "Нуруний" жамғармасига раисликни ҳам бажаради.

Вазирликнинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари ҳоким ўринбосари ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи ҳудудлардаги ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари даражасига кўтарилади. Маҳалла ва оила масалалари вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан узвий ҳамкорликда ишлайди.

Янги тузилмада хотин-қизлар билан ишлашга устувор аҳамият қаратилади. Шу вақтга қадар хотин-қизлар кўмиталарида, маҳаллаларда меҳнат қилиб келаётган аёллар тузилмада фаолиятини давом эттиради, уларнинг мавқеи, моддий шарт-шароитлари ва иш ҳақи ҳам сезиларли оширилади.

Маҳалла раисининг ваколат муддати уч йилдан беш йилга ўзгартирилади. Унинг уч нафар ўринбосари лавозими жорий этилади. Профилактика инспектори эндиликда маҳалла раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари буйича ўринбосари бўлиб ишлайди. У ҳам 5 йил муддатга тайинланади.

Маҳаллалардаги турли йўналишлар буйича ташкил этилган, бироқ қутулган самарани бермай келаётган 12 та жамоатчилик комиссияси ва тузилмалари ҳам мақбуллаштирилди.

Йиғилишда маҳалла институтининг иқтисодий-молиявий асосларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Жорий йил 1 мартдан маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари ойлик иш ҳақи ўртача 1,35 баробар оширилиши белгиланди.

Маҳалла ходимлари ҳамда профилактика инспекторлари фаолиятини баҳолашнинг ягона мезони ишлаб чиқилади ва самарадорлик рейтингини жорий қилинади. Барчага ўрнатилган маҳаллалар аниқланиб, муносиб рағбатлантириб борилади.

"Ҳар бир оила – тadbиркор", "Ёшлар – келажакимиз", "Хунармандчилик" дастурлари доирасида маҳаллаларга тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун арзон кредит маблағлари ажратилади. Бу маблағлар ҳисобига сартарошхона, новойоҳона, шунингдек, хунармандчилик, тикув, қандолатчилик цехлари, оталар чойхонаси, гузарлар ташкил этилади.

Молия вазирлигига маҳаллаларни қўлаб-қувватлашнинг иқтисодий-молиявий асосларини пухта ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Мутасадди вазирлик ва идораларга маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар фаолиятга замонавий ахборот ва рақамли технологияларни жорий этиш буйича топ-

шириқлар берилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари эндиликда "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилини амалиётга жорий этиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва осойишталикни таъминлаш, аҳолини тadbиркорликка кенг жалб қилиш, томорқалардан унумли фойдаланиш, ер участкаларини ноқонуний эгаллашнинг олдини олиш, ҳудудни ободонлаштириш каби масалалар билан шуғулланиши таъкидланди.

Фуқаролар йиғинларининг фаолиятига хос бўлмаган 50 дан ортиқ вазифа бекор қилиниши, профилактика инспекторларига юклатилган ортиқча топшириқлар ҳам кескин қисқартирилиши белгиланди. Маҳалла раисига қўшимча ҳуқуқлар берилиб, мақоми ва обрўси кучайтирилиши қайд этилди.

Мутасаддиларга "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилига асосланган янги тизимни жорий этиш, маҳаллага ва қадриятларимизга ҳурмат туйғусини шакллантирадиган саҳна асарлари ва бадий фильмлар яратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш буйича таъсирчан тизимни шакллантириш мақсадида профилактика инспектори кўриб чиқадиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар сонини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Ички ишлар вазирлигига профилактика инспекторларига яратилган шартларни ўрганиб, таянч пунктларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, профилактика инспекторлари фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, бу вазифага муносиб ходимларни тайинлаш буйича топшириқ берилди.

Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фуқаролар йиғинлари мажмуаларини қуриш, бўш турган биноларга маҳалла идораларини жойлаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Маҳаллаларда аҳиллик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёш авлодда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик туйғуларини мустаҳкамлашда кексалар тажрибасидан фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Маҳалла ва оила масалалари буйича олиб борилаётган тadbирлар кўлимини кенгайтириш ҳамда амалиётга жорий этиш мақсадида "Оила" ва "Маҳалла зиёси" марказлари негизига "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш буйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллалар миллий менталитетимиз кўзгуси эканини, жамият ҳаётида катта ўрин тутишини таъкидлар экан, Нарвўз байрамига ҳамоҳанг тарзда 22 март санасини "Маҳалла тизими ходимлари кuni" деб эълон қилишни тақлиф этди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди, нурунийлар ва фаоллар фикр билдирди.

ЎЗА

Қорақалпоғистон Республикаси

Спортчилар оиласи

Нукус шаҳар "Қутли макон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Марс Ҳабибуллаевлар оиласини кўпчилик спортчилар оиласи сифатида яхши билади. Уларнинг спортдаги муваффақиятлари алоҳида эътиборга молик.

Оила бошлиғи М. Ҳабибуллаев олий маълумотли педагог. Шаҳардаги 35-умумтаълим мактабида жисмоний тарбия фанидан дарс беради. Турмуш ўртоғи Индира эса бошланғич таълим ўқитувчиси.

Тўнғич қиз - Айнура спортнинг енгил атлетика тури билан шуғулланади. 2-синфда ўқийдиган Шодиёна тазаквондо буйича турли мусобақалар совриндор. Кенжаот Зухратдин 6 ёшда бўлишига қарамай, шашка ўйинида катталар бил-

лан бемалол бахшлашади.

– Ҳар кuni тонгда оилавий бадантарбия қилишга одатланганмиз. Бунинг учун бор вақтимизни, имкониятларимизни сафарбар қиламиз, – дейди Марс Ҳабибуллаев.

Дарвоқе, бу оила ўтган йили "Отам, онам ва мен – спортчи оила" мусобақасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 1-ўринни эгаллаган.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.



Ҳурматли муштарийлар!

Газетамизга обуна уюштириш йил буйи давом этади. Обуна таҳририят томонидан ва бошқа барча обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

ОБУНА ИНДЕКСИ 144.

Сиз газетамизда ўз фаолиятингизга оид мақола, реклама ва эълонлар берилишини истайсизми?

Унда бизга телефон, телеграмм, электрон почта ҳамда хат-хабар орқали боғланишингиз мумкин.
Телефонлар: (71) 236-26-50; 233-44-43; 233-28-04.
(90) 982-84-41 (телеграм)

Электрон манзил: info@qishloqhayoti.uz

Кластерлар ва фермерлар ўртасида шартномавий боғлиқлик яратилади

Ҳисори қўйларни кўпайтиришда нималарга эътибор қаратиш лозим?

Пахта ва ғалла учун давлат буюртмаси бекор қилиниши халқимиз турмуши фаровонлигини таъминлайди

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ ҳўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттиришга алоҳида эътибор қаратди.

Тизим фаолиятини ривожлантириш, фермер ва деҳқонлар даромадини ошириш, аҳоли дастурхонини сифатли мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида ЎЗА муҳбири Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги вазири Жамшид Хўжаев билан суҳбатлашди.

— Президентимиз фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини оширишдан туриб, иқтисодиётни барқарорлаштириб бўлмаслигини таъкидлади. Пахта ва ғалла етиштириш бўйича давлат буюртмасининг бекор қилиниши ҳамда жойлаштирув механизмини босқичма-босқич диверсификация қилиш белгилаб қўйилди. Бу жараён қандай амалга оширилади?

— 2020 йилдан пахта ва ғалла учун давлат буюртмаси бекор қилиниши мамлакатимизнинг 60 фоиз аҳолиси ҳаётида туб бурилиш ясади. Албатта, бу ислоҳот соҳада стратегик аҳамиятга эга, инқилобий янгилик бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббусида яқин вақтда пахтачилик соҳаси тўлиқ кластер тизимига ўтказилиб, улар бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда пахта етиштириши белгиланган.

Президентимиз раҳбарлигида жорий йил 4 февраль куни қишлоқ ҳўжалигида кластерлар фаолиятини янада ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йилгида кластерларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, уларни танлаш, фермерлар билан муносабатларни тўғри йўлга қўйишнинг очиқ-ошкора механизмларини жорий этиш бўйича вазифалар белгиланди. Пахта етиштиришда, аввало, манфаат бўлиши керак, деган вазифа қўйилди. Бу бежизга эмас, албатта. Жойларда тажрибали фермерларимиз фаолият юритмоқда, янги-янги ихтисослаштирилган қишлоқ ҳўжалиги кластерлари ташкил этилмоқда.

Улар ўз манфаатидан келиб чиқиб пахта етиштирилади, уни қайта ишлайди ва экспорт қилади.

Шу мақсадда жорий йилда 81 минг гектар майдонга тажриба-синов тариқасида фермерлар иштирокида кооперация ташкил қилаёلمиз. Бу орқали соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантиришни мақсад қилдик.

Қисқа муддатда тегишли меъёрий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Унда янги механизмларни жорий этиш вазифалари белгиланади. Биринчидан, пахта халқаро бозор нархидан келиб чиққан ҳолда сотиб олинади. Иккинчидан, пахтага режа белгиланмайди, фермерлар ва кластерлар режа учун эмас, ўз манфаати, фойдаси учун меҳнат қилади.

Қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштиришда ҳам рақобат бўлади. Қайси маҳсулот бозорбор ва харидоригр бўлса, кўпроқ экилади. Шу боис қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳудудлар иқлим шароитидан келиб чиқиб тақсимланади.

— Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида бу каби туб ислоҳотларни бажаришда вазирлик зиммасига қандай вазифалар қўйилган? Бу борадаги ишларни амалга ошириш механизми ҳақида айтсангиз.

— 2023 йилгача экинларни тўғри жойлаштириш ва ўз вақтида экилишини таъминлаш тизимини босқичма-босқич диверсификация қиламиз. Давлат буюртмасидан кечиб жараёни осон бўлмайди, албатта. Бунинг учун рақобатбардош қишлоқ ҳўжалигини яратишимиз керак. Бунда қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги фермерларга ёрдам берадиган, уларга яқиндан кўмаклашувчи ташкилотга айланиши керак. Президентимиз таъбири билан айтганда, қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги сервис ташкилоти сифатида хусусий агроаноат ташкилотларига экин турлари ва уруғни тўғри тан-

лаш, зараркундаларга қарши курашиш, молиявий кўмаклашиш ва маҳсулот бозорини топиш бўйича иш юритади.

Бу борада экспертлар билан иш бошлангиз. Масалан, "Бостон консалтинг групп" компанияси билан дастлабки келишувлар бўйича табиий-иқлим ва тупроқ шароитига мос ҳолда интенсив боғ ва тоқзорлар, сабзавот, полиз экинларини оптимал жойлаштириш бўйича ҳар бир туманининг географик харитасини ишлаб чиқаямиз. Бундан ташқари, хоризж бозорларида ўзимизда етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан ҳам мустаҳкам ўрин эгаллашни мақсад қилганмиз. Шу кунларда чет эл бозорларида қандай мева-сабзавотларни сота оламиз, деган саволга жавоб бўлувчи концепцияни яқунлашамиз. Ушбу концепцияни дастлаб фермер ҳўжаликлари ва янги кластерларда жорий қиламиз.

— Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигидаги мажкур ўзгаришлар, амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар деҳқонларга, умуман, халқимизга қандай фойда келтиради?

— Авваламбор, аҳолининг ердан оладиган даромади ошади. Етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини бозор нархида сотишга кулай шароит яратилади. Хуллас, рақобат муҳити шаклланади. Қайси маҳсулот сифатли ва фойдали бўлса, уни етиштириш имконияти кенгайди.

Айниқса, ички бозорда аҳоли эҳтиёжлари қондирилиб, мева-сабзавотларимиз мўл-кўл бўлади, тури ва миқдори кўпаяди. Бу орқали инфляция даражаси ва маҳсулот таннарихи пасайишига эришилади.

— Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 4 февраль куни ўтказилган йилгида кластерларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, уларни танлаш, фермерлар билан муносабатларни тўғри йўлга қўйишнинг очиқ-ошкора механизмларини жорий этиш бўйича вазифалар белгиланган эди. Бу борада амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалар хусусида маълумот берсангиз.

— Шу йилгида Президентимиз томонидан соҳага оид кўлаб топшириқлар берилди. Мақсад — рақобатбардошлиқнинг таъминлаш, диверсификация қилишимиз

учун янги тизим яратиш. Мева-сабзавот йўналишида ҳам пахтачиликдаги каби кластерларни ишга тушириш эса давр талаби.

Бир неча ой илгари Президентимиз томонидан жойларда соҳани ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Улар билан биргача вилоятларда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи, музлатгичлари бор қайта ишловчи корхоналар вакиллари билан мулоқот қилдик. Диверсификация қилиниши фақат давлатнинг ўзи бажара олмайди. Биз бозор иқтисодиётига ўтганимиздан кейин унинг ўз эгалари бўлиши керак.

Шу туфайли янги тизим асосида ишлаш учун мева-сабзавот етиштирувчи ва қайта ишловчилар орасидан 150 дан ортиқ таълаборни танлаб олдик. Улар билан 2020 йил тажриба-синов тариқасида маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича ҳамкорликда фаолият олиб борамиз. Бунинг учун бир нечта вазирлик ва идоралар айланма маблағ ажратиш, чет эл бозорларини ўрганиш ва маҳсулотларни олиб чиқишда уларга яқиндан ёрдам беради. Ўйлаймизки, йил якунида эришган натижаларимиз хулосаси асосида ушбу тизимни мамлакат миқёсида жорий эта оламиз.

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан мева-сабзавотчиликка катта эътибор қаратилди. Хусусан, қишлоқ жойларда интенсив боғлар яратилди, замонавий иссиқхоналар, мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, калибровка, саралаш ва қадоқлаш, музлатгичли омборхоналар, логистик марказлар ишга туширилди, сугориш тизимлари яхшиланди. Бироқ, бу тизимларнинг атиги 30-40 фоизи амалда ишляпти, холос. Сабаби, қайта ишловчилар ва деҳқон-фермерлар орасида ҳамкорлик йўқ.

Давлатимиз раҳбари эътибори билан кластерлар ва фермерлар ўртасида шартномавий боғлиқлик яратилган бўлди. Энди кластерлар ўзларига бириктирилган фермер ҳўжаликлари сифатли ва экспортбор қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун талаб этиладиган уруғлик, кўчат, ёқилги, минерал ўғитларни етказиб бериши, агротехник тадбирларни замонавий билимлар асосида, мутахассисларни жалб қилган ҳолда ташкил этиши зарур. Шундагина етиштирилган маҳсулотнинг харидори бўлади.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида амалга ошириладиган бундай ислоҳотлар аҳоли турмуши фаровонлигини янада яхшилайдди, соҳага бозор механизмларини кенг жорий қилишни таъминлайди.

ЎЗА муҳбири
Абдулазиз МУСАЕВ
суҳбатлашди.



Фаол ёшлар билан очиқ мулоқот

11 февраль куни "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компаниясида тизимдаги корхоналарда фаолият юритаётган фаол ва ташаббускор ёшлар билан очиқ мулоқот ташкил этилди.

Унда компания бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Ш. Узоқов, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий кенгаши раиси ўринбосари Ф. Омонов, компания тизимидаги корхоналарда фаолият юритаётган ёш ходимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Бугунги кунда "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси тизимида 13856 нафар ходим фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 3 минг нафардан ортигини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бу эса ўз ўрнида компания тараққиёти ва ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтиришда ёшларнинг ўзига хос аҳамиятга эга куч эканлигини яққол намоён этади.

Таъкидлаб ўтилганидек, ўтган давр давомида ёшларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларга кўмак бериш мақсадида ҳам бир қатор лойиҳалар амалга оширилди ва жорий йилда ҳам ушбу йўналишдаги ишларни жадал давом эттиришга алоҳида урғу берилди.

Мулоқот давомида компания раҳбари томонидан ёшларнинг фикр мулоҳазалари, ташаббуслари тингланди.

И ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиламоқда. Айниқса, тадбиркорларнинг мурожаатлари билан ишлаш, муаммоларини ўрганиш, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш борасида тизим яратилди.

Тадбиркорлар жамоатчилик кенгаши иш бошлади

Одил РАҲМОНОВ,
Навоий шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудир.

Жумладан, ўтган йилда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси ташкил қилинган эди. Эндиликда, мажкур қабулхона ҳузурда Тадбиркорлар жамоатчилиги кенгаши ҳам ўз фаолиятини бошлади.

Навоий шаҳри ҳокими ва Навоий шаҳридаги Бош вазир қабулхонасининг кўшма қарори асосида шаҳримизда ҳам Тадбиркорлар жамоатчилиги кенгаши тузилди ҳамда унинг Низоми тасдиқланди.

Ҳўш, мажкур кенгашнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Тадбиркорлар жамоатчилиги кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ ва ғов бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурдаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда ваколатли давлат органларига тақдим этиш, агентлик, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорларга етказиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва иқтисодий кўникмаларини шакллантириш бўйича ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ўтказиш кабилардан иборат.

Тадбиркорлар кенгаши доимий равишда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқадиган ҳамда ҳар ойда муаммоларни бартараф этиш бўйича тақлифларни агентликка тақдим этиб боради. Шунингдек, жамоатчилик кенгашлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва иқтисодий кўникмаларини шакллантириш бўйича тизимли алоқаларни йўлга қўйган ҳолда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилади.

Сир эмаски, аҳолининг гўшта бўлган эҳтиёжини қондириш йилдан-йилга қийинлашиб бормоқда. Бу эса мамлакатда чорвачиликни ривожлантиришни талаб қилади. Тўғри, бу борада юртимизда сезиларли ишлар амалга ошириляпти, ammo чорвадор одам бу тармоқда бирор бир натижага эришиш учун анчагина вақт кераклигини яхши билади. Шу боис, чорвачиликнинг муҳим тармоғи бўлган қўйчиликни ривожлантириш гўшт масаласини ижобий ҳал қилишда муҳим омил бўлади. Негаки, қўй тез кўпаяди. Бунинг учун етарли шароит бўлса бас.

Президентимиз 2019 йилнинг бошида Сурхондарёга келганларда, тез ўсиб етиладиган, арзон гўшт-ёғ манбаи бўлган ҳисори қўйлар бош сонини кўпайтириш масаласини вазифа қилиб қўйдилар. Бунинг учун олимларга ҳам, бу зот қўйлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари билан қатъий шуғулланиш масаласини ҳам таъкидладилар. Маълумки, ҳисори зотли қўйлар Сурхондарё вилоятининг тоғли, шимоллий туманларида парваришланади. Аҳоли илгаридан ҳисори қўйлар боқиш билан шуғулланиб келади. Бу қўйлар дунёда энг катта қўйлар ҳисобланади. Уларнинг елкаси ва думгазасининг баландлиги 1 метрдан зиёддир. Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти ходимлари биринчи марта бу қўйларни 1935-1936 йилларда Узун (Сариосиё) туманининг собиқ "Қизил Намуна" жамоа ҳўжалигида таянч пунктини ташкил этиб, илмий-тадқиқот ишларини бошлаб юбордилар. Шу билан бирга, 1936 йилда Деновда Давлат наслчилик идораси ташкил этилди. Ҳисори қўйлар бўйича режалли наслчилик ишларини олиб бориш натижасида ушбу ҳўжаликда қўйлар сони кўпайиб 40 мингдан ошиб кетди. Уруш йиллари ҳўжалик фронтига қўй гўшти етказиб бериш билан биргаликда бринза ва жун маҳсулотларини ҳам етказиб турди. Қўй сутидан бринза тайёрлаш

Боботоғ хазинага бой

учун ҳўжаликнинг 3 та фермасидан ҳисори совлиқлардан тўғрига 900-1000 литр сут соғилиб, махсус пунктда қайта ишланиб, бринза тайёрланган эди. Бринза уруш вақтида кўп одамларни очликдан сақлаб қолди. Бу қўйларнинг сути кўп бўлиб, қўзиларни тез етилтиришга жуда мос бўлган. Қўйчилик ҳисобидан ҳўжалик миллионер ҳўжаликка айланди. Олиб борилган илмий ишлар натижасида қўйларнинг бош сони кўпайиши билан бир вақтда уларнинг тирик вазни ҳам ошди. 1950 йиллар бошида тоғли яйловларда ўтлаб, семириб қайтган баъзи қўзиларнинг тирик вазни 6 ойлигида 81 кг.ни совлиқлариники эса 48 кг.дан, бир ярым ёшлигида 59 кг.ни ва 82 кг.ни ташкил этган.

Йил давомида бу қўйлар тўлиқ рацион билан озиқланган. Албатта, Боботоғнинг серхосил ўтлари битган қир-адирларда ўтлаган ҳисори қўйлар Бойсун тоғлари этагидаги кам ҳосил ўт-

ларга нисбатан яхши ривожланган. Шунингдек, Ҳисор тоғларининг баланд яйловларида ёзнинг иссиқ кунларида ўтлаб юргани, уларнинг тез улғайишига сабаб бўлган. Бойсун тоғлари этагидаги қир-адирларда ўсадиган ўтларнинг даври қисқа бўлгани учун у ерларда молларни озуқа билан таъминлаш анча қийин ўтади. Шунга асосан, 1975 йилда Бойсун совхозида етиштириладиган Абердин-Ангус гўштдор қорамоллари Сариосиё туманининг Боботоғ совхозига кўчирилди. Боботоғ совхозида гўштдор қорамолларга яхши яйловлар ва шароитлар яратилди. Шулар ҳисобга олиниб, Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти томонидан ҳисори қўйлар ва гўштдор қорамолчилик билан наслчилик ишларини йўлга қўйиш мақсадида Сариосиё туманида институтнинг таянч пункти очилади. Натижада гўштдор Абердин-Ангус қорамолларининг фақат урғочилари сони Боботоғ ҳўжалигида 3500 бовдан ошиб кетди. Ҳар йили ушбу ҳўжаликдан 1000 ва 1200 бовдан ортиқ 5-6 ойлик бузоқлар Сурхондарёнинг жанубида жойлашган мах-

сус бўрдоқчилик комплексига ўстириб, боқиш учун топширилган эди. Таянч пункти илмий ходимлари Сариосиё туманидаги ҳўжаликларда қўйчилик бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Натижада ҳисори қўйчилик бўйича яхши натижаларга эришилди. Вилоят ва республикани қатор ҳўжаликларига насли қўйлар етказиб берилди.

ра-тадбир кўрилмаса, яқин 5-10 йилда биз ҳисори зотли қўйлардан ажралиб қоламиз. Қадимда аждодларимиз бундай қўйларини Урғут ва Самарқанд бозорларида 1,5-2 ёшлигида ҳар бирининг вазнини 80-90 кг.га етказиб ҳайдаб олиб бориб сотишган.

Айтишларича, ҳар бир қўйни бир донга тилла тангага сотишган. Бу зот қўйлари яхши парваришланиб, ривожлантирилиб борилса, қони фойда. Ҳисори қўйларини кўпайтиришнинг асосий маркази бўлган Узун ва Сариосиё туманларининг бирида Чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг таянч пункти ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу қўйлар бўйича ўз вақтида илмий ишлар ва тадқиқотлар ўтказилган. Табиий шароитлар об-ҳаво ўзгаришлари қўйлар бўйича янги тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади. Энг аввало, келгусида зот сифатида сақлаб, кўпайтириш учун ҳар туманда 1-2 тадан ҳисори қўйлар бўйича махсус ихтисослашган кооперативлар тузиш керак. Кооперативлари эса энг аввало, мавсумий яйловлар билан таъминлаш лозим. Бу қўйлар мавсумий яйловларда боқилиб, тарих топан ва шакланган. Кооперативларда наслчилик ишларига катта эътибор берилиши керак. Инвестиция киритилиб, инновация асосида қўйларни боқиш, кўпайтириш ва урчишти бўйича янги технологиялар олиб келиш лозим. Келгусида кооперативлар асосида давлат наслчилик ҳўжалигини тузиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу ҳўжаликда наслдор ҳисори қўйлар парваришланиб, фермерларга етказиб берилади. Ана шунда гўшт масаласи ҳам ижобий ечим топади.

Нурмуҳаммад ГҮЛЕВ,
қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди.

Янгиланишларнинг янги даврини бошлаш учун муҳим дастуриламал

Мутахассис тавсиясига таянинг!

МУНОСАБАТ

Теран ғоялар маҳсули

Муҳтарам Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини барча ҳамкасбларимиз иштирокида катта қизиқиш билан тингладик. Юртбошимизнинг эришилган ютуқлар, олдинда турган муаммолар, кейинги 5 йиллик режалар тўғрисида танқидий ва таҳлилий нуқтаи назар билан куйиниб сўзлаган нутқи барчамизни қувонтирди, деб ўйлайман.



Шавкат ИСРОИЛОВ, Куйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи.

янги даврини бошлаш учун муҳим дастуриламал бўлди, дея талқин этилмоқда.

Мурожаатномада иқтисодий ривожлантириш орқали ватандошларимизнинг ижтимоий аҳволи ва турмуш фаровонлигини янада юксалтириш омиллари кўрсатилиб ўтилди. Юртбошимиз барча соҳаларда улкан марраларни фақат илм орқали забт этиш мумкинлигига тўхталиб, мамлакатимизни келгусида фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан юксалтира олишимиз мумкинлигини ишонч билан таъкидлади. Шунингдек, замонавий дунёда тез тараққий этиб бораётган рақамли иқтисодийнинг барча соҳаларни жадал ривожлантиришига ҳам жиддий ёндашди. Ушбу теран ғояларнинг маҳсули сифатида жорий йилни "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили", деб аташни таклиф қил-

ганларида, юртдошларимиз, кенг жамоатчилик таклифни зўр мамнуният билан олқишлади.

Мурожаатномада ҳар бир юртдошимизнинг ўз соҳаси, вазирлиги, бошқармаси ёки уюшмасига оид долзарб муаммолари тилга олиниб, келгусида уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида гап борди. Шу юзасидан муҳим маълумотлару рақамлар келтирилдики, бундан уларнинг кўнгли тўлиб, эртанги кунга бўлган ишончи янада ортди.

Мурожаатномада 2020 йили мамлакатимизда 44 минг гектар ерда ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этилиши, бунинг учун давлат бюджетидан 300 миллиард сўм субсидия ажратилиши, шунингдек, сув ҳўжалиги объектларини бошқариш жараёнларининг, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимининг автоматлаштирилиши таъкидлаб ўтилди. Демак, яқин кунларда ушбу масалалар сув ҳўжалигини ривожлантириш концепциясида ўз аксини топади.

Мухтасар айтганда, ушбу Мурожаатнома ўша кундан-кунга ватандошларимизнинг рағбатини янада гуллаб, яшнаши учун хизмат қиладиган муҳим тарихий ҳужжатга айланади.

Мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоғини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда ерларнинг унумдорлигини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ернинг сифати яхшиланиб, унумдорлиги ошмоқда

БУНДА "ТОШКЕНТ СУВ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ" ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР

Мутахассисларнинг фикрича, мелиорация тадбирларининг сифатли бажарилиши туپроқда экинларни етиштириш учун қўлай бўлган сув, ҳаво, ҳарорат ва озик режимини, атмосферанинг ер юзасига яқин қатламда ҳавонинг ҳарорати ҳамда ҳаракатини ўзгартириш имконини беради. Натижада янги ерлар ўзлаштирилиб, экин майдонлари кенгайди, ернинг унумдорлиги ортиб, ҳосилдорлик ошади, маҳсулот сифати яхшиланади. Қисқача айтганда, мелиорация тадбирлари ижтимоий-иқтисодий масалалар билан бирга айрим экологик муаммоларни ҳам ижобий ҳал этади. Бу борада Тошкент вилоятида ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилди.

"Тошкент сув қурилиш инвест" давлат унитар корхонаси буюртмачилигида 2019 йилда сув қурилиши соҳасида бажарилган пудрат ишларнинг таҳлилий фикримизга мисол бўла олади.

Корхона раҳбарияти томонидан берилган маълумотга кўра ўтган йилда 35,73 километр узунликдаги канал, 12,8 километр лоток тармоқлари, 11 донна иншоот реконструкция қилинди. Шунингдек, 0,52 километр қироқ химоя ишлари, 22,3 километр очик коллекторда реконструкция, 0,2 километр ёпиқ-ётиқ коллектор қуриш, 16 донна гидро-

техник иншоот қуриш ва 1232,4 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Натижада вилоятда 21900 гектар суғориладиган ерларнинг унумдорлиги яхшиланди.

Бугунги кунда сувни тежаш бутун дунё ахлининг олдида турган долзарб масалалардан бири. Шу боис, ривожланган давлатлар аллақачон сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиб, ижобий натижаларга эришди. Ушбу йўналишда мамлакатимизда ҳам дадил қадамлар ташланмоқда. Президентимиз томонидан тегишли фармон ва қарорлар қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилаётир. Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинмоқда. Жорий йилда томчилатиб суғориш тизимини мавжуд суғориладиган ерларнинг қамиди 10 фоизга етказиш режалаштирилган.

Сув ҳўжалиги тизимини янада яхшироқ қилиш учун давлатимизда иш тўхтамайди. Айрим лойиҳалар йилдан-йилга ўтувчи объект бўлади. Шу сабабдан ирригатор ва мелиораторлар иссиқ-сувқ демасдан доим ўзларига топирилган вазифаларни бажариш учун далада ёки коллектор бўйида, экскаваторчиларимиз эса ариқ-зовур

қазийш ёхуд тозалаш билан банд бўлади. Тўғри, бу юмушларни пудратчи ташкилотлар бажаради. Аммо буюртмачи бўлган бизнинг ташкилотимиз мутахассислари ҳам доим уларнинг ишларини назорат қилиш, лойиҳаларни тўлиқ амалга ошириш учун улар билан бирга ишлайди. Мақсад, сув ҳўжалиги тизимини пудрат ишларини сифатли бажариш ва ерларимизнинг унумдорлигини ошириб, халқимизга ноз-неъмат тортиқ қиладиган

бободоҳқонларимизга обиҳаёт етказиб беришидир. Шу сабабдан 2020 йил давомида 1703,2 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларида таъмирлаш-тиклаш, 15,9 километрлик реконструкция ва 5,05 километр узунликдаги лоток тармоқларини таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Бундан ташқари, мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича 10 та, қуриш ва реконструкция бўйича 5 та янги лойиҳа мавжуд.

Сув ҳўжалиги объектларида қурилиш ишларига буюртмачилик қилиш ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш учун аввало, чуқур билим ва инновацияни лоток тармоқларини таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Бундан ташқари, мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича 10 та, қуриш ва реконструкция бўйича 5 та янги лойиҳа мавжуд.

Умуман олганда, Тошкент вилоятида ернинг сифатини яхшилаш, сувдан тежаб фойдаланиш, шулар ҳисобидан ҳосилдорлигини ошириш, пировардида аҳоли турмуш даражасини янада кўтариш бўйича қилинаётган бундай зғу ишларга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ҳанифа ШАМШИЕВА, "Qishloq hayoti" муҳбири.

МУТАХАССИС ТАВСИАЛАРИ

Комбайндар таъмир олаётган

БУ ТАДБИР ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Туманлардаги "Агросервис МТП" устaxonаларида "Кейс-2166", "Доминатор-130", "Вектор" каби ғалла комбайнларини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу ишларда қатнашаётган чилангарлар, комбайнчилар, техник ва муҳандислар ғалла комбайнининг улкан ва сирли "завод" эканлигини унутмаслик керак. Зеро, комбайн даладаги ғалла пояларини ўриб олади, бошоқлардаги донни шикастламай янчиб беради, донни сомондан ажратади, донни бункерга йиғиб, сомонни уюмлаб кетади. Мазкур жараёнларнинг сифатли бажарилишига тегишли қисм ва механизмларни юқори техник ҳолатда ушлаб туриш орқали эришилади.

Комбайннинг техник ҳолати унинг таъмирланиш сифатига, бу эса ўз навбатида устaxonага олиб келинган носоз комбайнга тўғри ташхис қўйишга боғлиқ. Бундан қўзланган асосий мақсад, таъмирлашни талаб қилмайдиган (соз), таъмирталаб (носоз) ва бутунлай яроқсиз детал ва узелларни аниқлаш, уларнинг техник ҳолатини баҳолаш, носозликларини икки – мукамал ва жорий таъмирлаб – гуруҳга ажратишдан иборат. Бу ишлар муайян тартибда амалга оширилади.

Занжирлар ва тасмалар. Занжир пластиналари ва втулкаларида эзилган жойлар ва ёриқлар бўлишига йўл қўйилмайди. Занжир қадами КИ-6814 асбоби ва ШЦ-II-400-01 штангенциркул билан ўлчанади, қадам ошиб кетган бўлса, занжирдан бир ёки икки звено олиб ташланади, бу ҳам наф бермас, янгисига алмаштирилади. Понасимон, текис ва тишли тасмаларда ёриқлар, қатламларга ажралган кордлар, шимлар, бурмалар бўлмаслиги керак. Сиртлари ялтираб едирилиб кетган, иплари очилиб қолган ва таранглашга захираси қолмаган (ортиқча чўзилиб кетган) тасмалар алмаштирилади.

Юлдузчалар ва шкивлар. Юлдузча тишларида синган, эзилган ва тўла ейилган жойлар бўлмаслиги керак. Тишлари синган юлдузчалар алмаштирилади. Тишларнинг ейилиш даражаси калибрлар ва шаблонлар ёрдамида баҳоланади. Агар калибр икки ёнма ён тиш орасига эркин кириб бурса, бундай юлдузчани алмаштириш зарур. Шимвларда синган ва каттик деформацияланган бортлар бўлишига

йўл қўйилмайди. Шкив ёки юлдузчани қўлда у ёки бу томонга кескин айлантиринг! Шпонкали бирикмада тирқиш кенглигини ва шпонкалар қирраларини текширинг, тирқиш катталашган ҳолда ариқчаларга суоқ металл қоплаб уни торайтириш лозим бўлади.

Подшипникли бирикмалар ва валлар. Бунда аввало, подшипник корпуси ва зичлагичи текширилади. Корпусда ёриқлар бўлмаслиги керак. Зичлагичдан мой сизиб чиқаётган бўлса, подшипникни очинг ва сепараторлар, соқалар, айлишни йўллари кўздан кечириг! Агар металл сиртида чарчаганлик ранги, ёриқлар, едиришлар, ишчи юзаларни эзилиши топибса, подшипник алмашади. Агар бу деталлар соз бўлса, фақат мойни қўйиб юборадиган зичлагичгина алмаштирилади. Подшипник втулкаси тортилган, валга маҳкам шплинтланган бўлиши лозим.

Вал енгил, қадалишларсиз ҳаракатланиши керак. Валнинг учига ўрнатилган шкив ёки юлдузчани икки қўллаб кескин кўтарганда подшипникли бирикмада тирқиш сезилса, унинг қийматини КИ-1871.02 мослама ёрдамида ўлчанг! Бу қиймат рухсат этилганидан ошмаслиги даркор.

Шкив бортларининг ёнлама тегиши индикатор билан ўлчанади. Унинг қиймати 1-3 мм. дан ошмаслиги лозим. Агар ошса, шкивни ечиб олиб, валнинг тегиши текширилади. Вал эгилган бўлса тўғриланади, тегиш бунда ҳам йўқолмас, шкив алмаштирилади.



едирилган ва эзилган муфтлар таъмирланади. Сақловчи муфтани текшириш учун вал тормозланади, шкив ёки юлдузчага махсус ОПР-484-20 ричагли мослама ёрдамида энг юқори айлантирувчи момент берилади. Бунда шкив ёки юлдузча айлиниб кетса, муфта деталлари текширувдан ўтказилади, аниқланган носозликлар бартараф этилади.

Қирқши аппарати ва узатмаси. Деталларда, айниқса сегмент пичоқларда синишлар, ёриқлар бўлмаслиги керак. Пичоқ суянчигининг кенглиги энг камида 17 мм. бўлиши лозим. Бармоқ вклядиши ва пичоқ каллаги орасидаги тирқиш кенглиги 3,25 мм. дан катта бўлса, брусдаги кистирмалар сонини камайтириш билан торайтирилади. Пичоқнинг тебраниш қадами 72,5 мм. дан катта ёки кичик бўлса узатма ростланади.

Шатун ва кривошип вали подшипникларидаги тирқиш кенглиги 0,2 мм., коромислода 0,8 мм., карданли вал вилкасида 0,3 мм. дан ошмаслиги зарур.

Мотовило. Трубалар, планкалар, тортиқлар, ёйлар, подшипниклар, дисклар деформациясиз ва ёриқларсиз бўлиши даркор. Айлиниш вариатори пастки шкивининг гупчаги ва цилиндр орасидаги тирқиш 0,5 мм. дан, етакловчи диск гупчаги ва цапфаси орасидаги тирқиш 0,7 мм. дан ошмаслиги керак. Бу қийматлар индикатор билан ўлчанади.

Жатка шнеги. Винтсимон лента, кожухлар, бармоқлар ғилофи деформацияланганда, бармоқлар, втулкалар, маҳкамловчи деталлар синганда шнек қайта таъмирланади. Бармоқлар ғилоф тешиклари эркин кириб чиқиши керак, ўқи атрофида айлиниши мумкин эмас. Ғилоф сирти ва шнек труба орасидаги тирқиш кенглиги 0,7 мм. дан ошганда ғилоф янгиланади.

Қия камера. Таглик лист оралиқ шитогини, юқори ва пастки қоқоқлар ёрилганда ва эзилганда, занжир йўналтиригичлари ейилганда камера таъмирланади. Шкив, юлдузча, занжирлар, подшипниклар, планкалар, пружиналардаги нуқсонлар бартараф этилади.

Янчиш аппарати. Дон савагичлар, уларни барабан (ротор) дискларига маҳкамловчи болтлар, барча битерлар

ва шитоклар текширилади. Савагич қовургаларининг баландлиги 6 мм. дан кам бўлмаслиги лозим. Савагичлар маҳкамлигини болга билан енгил уриб текширса бўлади. Қалтироқ овоз болтларнинг бўшагиндан далолатдир. Барабан валига ҳаракат берувчи шкив гупчагидаги шпонкали бирикмада тирқиш сезилмаслиги лозим. Барабан (ротор) рамага тўғри ўрнатилиши керак. Агар барабан савагичлари билан барабан остлиги (дека) планкалари орасидаги тирқишлар бирдай бўлса, бу талаб бажарилган ҳисобланади.

Дон тозалаш механизмлари. Бунда эса тебранма доска, сомонсилкитгич, юқори ва пастки ғалвирлар, бармоқлар, юқоридаги ғалвир узайтиригичи, вентилятор, тебранирувчи валлар деталларининг техник ҳолати текширилади. Қадалиб ишлаётган подшипниклар, синган ёки эзилган жалюзалар, бармоқлар, эгилган узайтиригичлар алмаштирилади. Тебранма доска, сомонсилкитгич ва ғалвирлар иш жараёнида бир-бирига ва рама корпусига тегмасдан ишлаши керак.

ленталар ва кожухлар эзилганда ёки эзилганда, валлар эгилганда шнеклар таъмирланади. Корпуслари эзилган, ёрилган, доскалари едирилган элеваторлар носоз деб баҳоланади. Элеватор занжири ва юлдузчаси текширилади. Резина қирғичларда учган ва титилган жойлар бўлмаслиги керак. Кожухи тешиланган, ёрилган, парраклари синган вентилятор таъмирланади ёки алмаштирилади. Парраклар ва кожух орасидаги тирқиш бир хил бўлиши лозим. Энг асосийси, шнек ва элеваторлардан дон ва бошоқ тўкилмаслиги даркор.

Юриш қисми. Вариатор гупчақлари орасидаги тирқиш кенглиги 0,5 мм. дан катталашса у таъмирланади. Узатмалар бир-бирига қийин қўшилса ёки ўз-ўзидан ажралса, илашиш муфтаси силтос билан уланса ёки шатаксираса, корпусда ёриқлар бўлса узатма кутиси ва муфта таъмирга тортилади. Тишлари синган ёки едирилган шестернялар носоз деб топилади. Ҳаракат давомида тормоқ барабанлари ўз-ўзидан қизиб кетмасин ёки комбайн зарб билан тўхтаса гилдираклар тормоқларини таъмирлаш талаб этилади. Пайванд чокларида ёриқлар пайдо бўлган, кронштейнлари эзилган, дифференциал ва борт редукторлари корпуслари дарз кетган, шестернялари едирилган орқа ва олд кўприклар таъмирланади.

Гидравлик тизими. Шланг ва қувурлардан сутоқлик томчиласа, бирикмалар тортилади, шунда ҳам тўхтамас, алмаштирилади. Мой тақсимлагич ва гидроцилиндрлар равоқ қўшилиши ва ажраси лозим. Жатка 4 сония ичида талага кўтарилиши керак.

Тақсимлагич дастаги пружина таъсирида ишчи ҳолатдан нейтрал ҳолатга автоматик равишда қайтиши даркор. Дастакка қўйилган энг катта куч – 6 кг. Агар гидробачқада мой кўпикласа гидроцилиндрлар штуцерлари гайкалари 1,5–2 оборотга бўшатилди ва тизимдан ҳаво чиқариб қўрилади.

Барча носозлар КИ-4200 стендада текширилади. Зарур бўлса ейилган таркибий қисмлар янгиларига алмаштирилади.

Шуни унутмаслик лозимки, комбайнларга тўғри ташхис қўйиш таъмирлаш сифати, мuddати ва харажатларига бевосита таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан биридир.

М.ТОШБОЛТАЕВ, Қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор.

Наманган вилояти

Коронавирус хавфига қарши тадбирлар

Косонсой туманидаги "Косонсой" чегара божхона постида Наманган вилояти ҳокимлиги ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди. Мухбиримиз шу ҳақида вилоят СЭОМ бош шифокори Рустамжон Ҳамроқулов билан суҳбатлашди.



– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан олинган охирги маълумотларга кўра, бутун дунёга хавф солиб турган коронавирус инфекцияси 26 та давлатда тарқалган бўлиб, шукрки, мамлакатимизда қайд этилмади, – дейди у. – Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган навбатдан ташқари видеоселекторда ҳам бу масала жиддий муҳокама қилинди. Бутун ер юзи аҳолисини ташвишга солаётган ушбу инфекциянинг республикамиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган

чора-тадбирлар таҳлил этилди. Келгусидаги вазифалар бўйича топшириқлар берилди. Ҳозир асраганининг Аллоҳ асради, дейишди. Шунинг таъкидлаб ўтишим жоизки, вилоят аҳолиси ўртасида коронавирус инфекцияси бўйича эпидемиологик барқарорлиқни таъминлаш йўлида олиб борилаётган профилактика ва эпидемияга қарши тадбирлар халқаро тиббий санитария қоидалари талаблари асосида амалга оширилмоқда. Уларда мутасадди ташкилотлар ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки таъминланаётди. Яқинда кўшни Қирғизистон билан чегарадош Косонсой туманида жойлашган чегара божхона постида

"Халқаро аҳамиятга эга юкумли касаллик – коронавируснинг кириб келиши хавфи туғилганда тегишли хизматлар ва идораларга, раҳбарларга ахборот етказиш, юзага келган хавфни бартараф этиш бўйича ҳамкорликда ҳарақатланиш" мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди. Режага асосан, унинг иштирокчиларига карантин ва ўта хавфли юкумли касалликлар эпидемияси ва эпизоотиясига қарши профилактика чора-тадбирлар белгилаш, бартараф этишда раҳбар-ҳолдимлар ҳамда масъул тузилма-


лар шахсий таркибининг билим савияларини ошириш, амалий кўникмалар ҳосил қилиш, ўта хавфли юкумли касалликлар ўчоғини бартараф этиш, махсус асбоб-анжом, ҳимоя воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштириш, ҳамкорликдаги ҳарақатларни мувофиқлаштириш, аниқлик киритиш вазифаларини юклатилди.

Ўқув-машқида шартли равишда санитария карантин пунктида коронавирус касаллиги билан оғриган беморни аниқлаш, ташхис қўйиш, халқаро

тиббий-санитария қоидаларига асосан раҳбар ва хизматларга хабар бериш, маслаҳат гуруҳлари томонидан касалликни ўрганиш, ташхис қўйиш, эвакуация гуруҳлари томонидан беморга биринчи ёрдам кўрсатиш ва алоҳида ташкил этилган юкумли касалликлар шифохонасига эвакуация қилиш каби тезкор ҳарақатлар бажарилди.

Туман тиббиёт бирлашмасидаги госпиталда интенсив махсус тозаловни амалга ошириш, хона ва асбоб-анжомлардан фойдаланиш, беморни қабул қилиш, биринчи ёрдам кўрсатиш, эвакуация тадбирларида иштирок этган махсус техникаларни тозаловлардан ўтказиш тартиблари амалга оширилди. Раҳбарият, қароргоҳ, фуқаро муҳофазаси тузилмалари ва эпидемияга қарши кураш гуруҳларининг ҳаракатлари табиийлигига эътибор қаратилди. Факулдада вазият содир этилган ҳудудда назорат кучайтирилди. Олинган таҳлиллар СЭОМ лабораториясига жўнатилди. Яқинда ўқув-машқи иштирокчилари ва кузатувчилари ўртасида савол-жавоблар ўтказилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ суҳбатлашди.



Тошкент вилояти

Бекобод тумани Дўстлик маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Мамажон Ғафуров механизатор, бригадир, фермерликлик фаолиятлари билан кўпчиликка ўрнак бўлиб, обрў эътибор қозонган. Унинг фидокорона меҳнати 2011 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" унвони билан муносиб тақдирланган. Бугунги кунда қаҳрамонимиз 7 нафар фарзанди, 20 нафар набираси қуршовида кексалик гаштини сурмоқда.

Сулмонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.

РЕКЛАМА

МАХАМ-ЧИРЧИҚ



Нитрат магний тўлиқ сувда эрийдиган ўғитдир. Иссиқхона ва очик тупроқда сугоришда ва илдиждан ташқари ўғитлаш учун қўлланилади. Ўсимлик баргларида магний нитратни пурқаш, уларда бир пайтнинг ўзига азот ва магний танқислиги пайдо бўлганда, тавсия этилади!

МАГНИЙ
НИТРАТ

ТАРКИБИДА 14,5%
МАГНИЙ ОКСИДИ ВА
10% ЎСИМЛИК ЎЗЛАШТИРАДИГАН
НИТРАТЛИ АЗОТ МАВЖУД



Махсудот сертификатланган
"Махам-Чирчиқ" АЖ Манзили Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Тошкент кўчаси 2-уй. Тел: +998 (7071)
5-25-20, 5-34-40, 9-35-08. Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57
info@maxam-chirchiq.uz, www.maxam-chirchiq.uz

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги жамоаси кўп йиллар давомида соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган меҳнат фахрийси Мухаммади РУЗИЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Ер ва сув ресурслари

УЛАРДАН ОҚИЛОНА
ФЙДАЛАНИШНИ
ТАҚОЗО ЭТАДИ

Самарқандда ер ва сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агроекономика мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан ўтказилган ушбу тадбирда, инспекциянинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва туманлар бўлимлари ходимлари ҳамда ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўқув семинарида ер ва сув хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти юзасидан кенг қамровли тушунчалар берилди.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган экин майдонлари тупроқ унумдор қатламга етказилган зарарни ҳисоблаш тартиблари, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича белгиланган тартиббузарлик ҳолатларига нисбатан қўлланиладиган чоралар шулар сирасига киради. Бу борада вилоятда олиб борилаётган тадбирлар ҳам муҳокама марказида бўлди. Соҳада қонунчилик тизimini шакллантириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш юзасидан бажарилаётган тадбирлар ҳусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Абдували ХУДОЁРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Агроекономика
мажмуи устидан назорат
қилиш инспекциясининг
Самарқанд вилояти
бошқармаси бош
инспектори.

Зарарли организмлар йилига 300 миллиард долларлик ҳосилни нобуд қилади

Тажрибали деҳқонлар ернинг қизиши билан "тўқсонбости" экинлар ва галла парваришига жиддий эътибор бера бошлайди. Чунки ер қизиби, қуёш тафти оша бошласа касаллик ва зараркундалар фаолашиб, бегона ўтлар бош кўтара бошлайди. Ана шундай паллада деҳқонларнинг бой тажрибасию соҳа олимларининг илмий ёндашуви масалани ижобий ҳал этади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтидан маълум қилишича, йиллик, мавсумий ва ойлик об-ҳаво шароитлари қишлоқ хўжалиги экинларининг зараркундалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг ривожланиши ва тарқалишига таъсир қиладиган энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. 2019 йилги об-ҳаво мавсумида қишлоқ хўжалик экинларининг бир қатор зараркундалари, касалликлари кўпайиши ва тарқалиш учун қулай бўлган. Шу сабабли, жойлардаги фитосанитария ҳолати ўтган йилларга нисбатан бир мунча мураккаб бўлганлиги сабабли доимий равишда кузатув назорат ишлари ўтказилиб, ўз вақтида курашиш чоралари кўрилди. Жорий йил мавсумида зарарли организмларнинг ривожланиши ва тарқалиши кўп жиҳатдан қишлоқда кетиши ва қишлоқдан чиқишига ҳамда баҳор-ёз ойларининг об-ҳаво шароитларига боғлиқ бўлади.

Илмий асосланган ва аниқ башорат қилингандагина ҳимоя чора-тадбирларини

амалга оширишнинг мумкин бўлган мақбул муддатлари белгиланади. Экинлар биоценозидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, янги хўжалик юритиш шароитида зараркундаларнинг ривожланиш муддатларига асосланб чора-тадбир қўллаш асосий масалалардан биридир.

Қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда, ундан сифатли, юқори ҳосил олишда, айниқса, зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларга қарши курашишнинг аҳамияти катта. Бундай тадбирлар ўтказилиши 30 фоиз қўшимча ҳосилни сақлаб қолиш имконини беради. Йилига дунё бўйича зарарли организмлар таъсирида деҳқончиликдан олинаётган ҳосилнинг 40 фоизи ёки 300 миллиард АҚШ долларига тенг маҳсулот йўқотилиши аниқланган. Фақат зараркундалар таъсирида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 13,8 фоизи, сабзавот ҳосилининг 8,4 фоизи нобуд бўлади.

Ўтган йилги натижалар ва бу йилги қишлоқ хўжалиги экин майдонларида

зараркунанда ва касалликларнинг ривожланиши ва тарқалиши бўйича тахминий башорат вилоятлар кесимида ҳар бир тур бўйича илова ва жадваллар шаклида тайёрланди. Унга кўра, жорий йилда республика бўйича кузги тунлам 134,2 минг, ўргимчаккана 404,8 минг, ғўза тунлами 385,2 минг, зарарли қандалалар 146,2 минг гектар майдонга тарқалиши башорат қилинмоқда. Шунингдек, ғўза майдонларида асосан бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтлар тарқалиб, зарар келтиради. Жорий йилда республика бўйича 595 минг гектар майдонда бегона ўтлар тарқалиши, шундан 307 минг гектарда кимёвий ишлов ўтказиш башорат қилинди.

Юқорида таъкидланганидек, зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлар ҳосилдорликни пасайтиради. Ҳосилдорликнинг пасайиши эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни қийинлаштиради. Шундай экан, халқнинг ризқи бўлган қишлоқ хўжалиги экинларини агротехник қоидалар асосида парваришлаш ва зараркунанда касалликларга қарши ўз вақтида олимлар билан ҳамкорликда чора кўриш хирмонларимизнинг сарбаланд бўлмоғини таъминлайди.

Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

РЕКЛАМА

PLANETA
SERVIS

ТРАКТОРВОР.UZ
«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125
Маҳсулотлар сертификатланган.

Ўтовлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОНЛАР

"SACKS UNITED" МЧК (СТПР 306823311) ўз устав фондида 10 000 000 сўмдан 3 000 000 (уч миллион) сўмгача қимматли акцияларни Давлатлар Тошкент ша. Шайхонтоғроў т. Кўча Дарбоза йўли 27 ўйда қабул қилинади.
Тошкент шаҳри Мира Улутбек туманидаги 148 кўчасининг 9-кўчасини 1996 йилда сотиб олган Нурбаева Ирода Аббасовна билан УЗ 238861 рақамли пуговичовча йўқатишнинг сабабини бекор қилинади.

Qishloq hayoti

Qishloq hayoti
Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир – Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир хайъати:
Жамшид ХУҲАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ, Шухрат ТЕШАЕВ,
Мухаммадҷон ТОШБОЛТАЕВ,
Ахтам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари
Раимқул СУЯРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50.
Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.
Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz
e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-225, ҳажми 2 босма табақ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета таҳририятининг ўзига компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди. 5 148 нусхада chop этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144 Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.45

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ

Баҳоси келишилган нарҳда. Газета "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6